

КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ОММАЛАШТИРИШ ВА БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Мухамадиева Хилолаxon Джахонгировна

Қўқон давлат педагогика институти Факультетлараро педагогика ва психология
кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада янги давр шиддати жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришида, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда китобхонлик маданиятини ошириши алоҳида аҳамиятга эга эканлигига тўхталган.

Китобхонлик, китоб мутолаасини тарғиб қилиши ва унинг инсон камолотидаги ўрни, аҳамиятини тарғиб қилиши бўйича амалга оширилган тизимли ишлар очиб берилган.

Калит сўзлар: китоб ўқиши, кўникма, шаклланиши,, камолот, мутолаа, инсон ақли, тафаккур, кишилик жамияти, маънавий тараккиёт.

ПОПУЛЯРИЗАЦИЯ КУЛЬТУРЫ ЧТЕНИЯ И РАЗВИТИЕ ДЕТСКОГО ЧТЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье интенсивность новой эпохи заключается в утверждении добрых ценностей и традиций в жизни общества, в частности, в повышении читательской культуры в повышении духовно-интеллектуального потенциала нашего народа, особенно молодого поколения, их мышления и мировоззрения, а в воспитании всесторонне развитого человека, живущего любовью и верностью Родине и ее народу, подчеркивается, что это имеет особое значение.

Выявлена планомерная работа, проводимая по пропаганде чтения, книгочтения и его места и значения в развитии человека.

Ключевые слова: чтение, умение, формирование, зрелость, чтение, человеческий разум, мышление, человеческое общество, духовное развитие

POPULARIZATION OF READING CULTURE AND DEVELOPMENT OF CHILDREN'S READING

ABSTRACT

In the article, the intensity of the new era lies in the affirmation of good values and traditions in the life of society, in particular, in improving the reading culture in increasing the spiritual and intellectual potential of our people, especially the younger generation, their thinking and worldview, and in educating a comprehensively developed person, living with love and loyalty to the Motherland and its people, it is emphasized that this is of particular importance. The systematic work carried out to promote reading, book reading and its place and significance in human development has been revealed.

Key words: *reading, skill, formation, maturity, reading, human mind, thinking, human society, spiritual development.*

КИРИШ

“Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир.”

Шавкат Мирзиёев

“...етти мўъжиза инсон ақлининг, тафаккурининг, қалбининг оташин мадҳияси, инсон даҳосининг улуғлигига қўйилган мангу обида бўлиб келмоқда. Бироқ, шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан камлик қилмайди. Бу мўъжиза – китоб. Китобнинг мўъжиза, мўъжиза бўлганда ҳам биринчи мўъжиза эканлигини кўпгина буюклар қайд қилган”- деб ёзган эди Озод Шарафиддинов.

Ўзбекистон "Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари" тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига кадам қўйди. Янги давр шиддати жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда китобхонлик маданиятини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ёшларда китоб ўқиш кўникмаси шаклланса, камолоти йўлида қолган барча амалларни китобнинг ўзи ўргатади.

2020-2025 йилларга мўлжалланган китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури (кейинги ўринларда -

Дастур) Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#), "[Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида](#)", "[Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида](#)"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва Ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтроф этилган нормаларига мувофиқ тайёрланган. Бугун Республикаимизнинг барча тизимларида китобхонлик, китоб мутолаасини тарғиб қилиш ва унинг инсон камолотидаги ўрни, аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ҳам китобхонлик ва китоб мутолааси бўйича самарали натижалар қўлга киритилмоқда.

Бундай енгилмас куч манбаи эса аввало инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти – китоб ва кутубхоналарда. Бугунги кунда куплаб ривожланган мамлакатлар ёшлари-нинг орасида «оммавий маданият» каби янги илмий катего-рияларнинг юзага келиши уцувчи-ёшларнинг фалсафий дунёқараши учун таҳдидли муаммолар келиб чиқишига сабаб булмоқда.

Хатто жаҳон ёшлари психологиясида оила-вий, яъни ота-она ва фарзанд уртасидаги муносабатлар, китоб мутолаа қилиш мадани-яти, миллий-диний кадриятларга булган муно-сабат совуклашиб, бегоналашиш тенденция-лари кучайиши кузатилмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, ўқувчи-ёшларни турли ёт ғоялар, таҳдидлардан химоя қилиш, уларнинг тарбиясини туғри амалга ошириш борасида катор вазифалар белгиланиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бунинг самараси ўларок қолган давлатларга ҳам ўртак бўла оладиган дастурлар ишлаб чиқилган.

Илм-фан, жамиятнинг ютуқлари, тарак-киёти китоб билан юзага келади, китоб ёшлиқда энг яхши мураббий, қариганда эса ундан яхшироқ дуст йўқлиги хусусидаги фикр ва ғояларни жуда кўп эшитамиз.

Китобнинг инсон хаёти, кишилиқ жамияти маънавий тараккиётидаги бекиёс ўрни қадимдан маълум. У дунёни таниш, билим бериш билан бирга гўзалликка мухаббат уйғотиш, ундан завкланиш, ёвузликдан нафратланиш туйғусини ривожлантиради.

Китоб уқувчида дунёни англаб олишда кўмак бериш билан бир қаторда унинг илмий дунёқарашини шакллантиради, ижобий характерни таркиб топтиради, хаёт ва турмуш зид-диятларини қандай қилиб ечиш йўқларини

ўргатади. Бу хислатларни эгаллаб олган ҳар бир ўқувчи юксак маънавиятли шахс бўлиб камолга етади.

Зеро, китоб авлодлар занжирини мустахкамловчи маънавий меросдир. У инсон рухига таъсир этиб, уларни маънавий-ахлокий камолотга етаклайди, хиссиётига таъсир этади ва билим бериш билан бирга ўқувчига завқ бағишлайди ҳамда аклини чархлаб, уни тарбиялайди.

Адабиётшунос Сафо Матжонов таъкидлага-нидек, «Илмий асарлар ғафлат ва жаҳолатдан кутқарса, бадий асарлар дағаллик ва разолатдан халос этади. Униси ҳам, буниси ҳам кишиларнинг маърифатли, бахт-саодатли бўлиши учун баб-баравар фойдали ва зарурдир».

Шарқда ахлоқ-одоб борасида буюк асарлар яратган Муҳаммад Жабалрудий китоб ҳақида: “Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан ҳоли ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Суҳбатидан эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди. Юрагини эса сикмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан ғийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар суҳбатидан кишига зарар этади. Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам “Китоб ақл қалъасидир”, деганлар

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, китоб ўзида ривожлантирувчи ва тарбияловчи улкан имкониятни саклайди, ўқувчини инсониятнинг маънавий тажрибасига ошно этади, унинг аклини ривожлантириб, хис-туйғуларини юксалтиради. У ёки бу асар ўқувчи томонидан қанчалик чуқур ва тўлиқ қабул қилинса, бу асар унинг шахсига шунчалик катта таъсир кўрсатадики, ўқувчи ўз олдида буюк мақсадлар кўйиб, ёмон иллатлардан ўзини саклайди. Шунинг учун ҳам таълимнинг етакчи вазифаларидан бири ўқувчиларда китоб ўқишга бўлган қизиқишни шакллантириш, ундаги воқеа ва ҳодисаларни таҳлил этишга ўргатишдир. Бунинг учун авваламбор, ҳар бир ўқитувчи у қайси фандан дарс беришидан қатъий назар, ўқувчини китоб ўқишга кизиштириш йуллари, шарт-шароитларини билиши зарур.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ (REFERENCES)

1. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. /

Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. -Т.: «Ўзбекистон», 2017. -104-б.

2. 2020-2025 йилларга мўлжалланган китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури (кейинги ўринларда - Дастур) Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#), "[Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида](#)", "[Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида](#)"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва Ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътроф этилган нормаларига мувофиқ тайёрланган.

3. Матжонов С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар (ўқитувчи учун методик қўлланма). - Т.: «Ўқитувчи», 1996. -208-б.

4. Хайруллаев М.М. Абу Наср Форобий. (Ҳаёти, фаолияти ва таълимоти ҳақида қисқача очерк). - Т.: «Ўзбекистон Фанлар академияси» нашриёти, 1961. - 88-б.

5. Feruza Aminovna Turakulova Mechanisms for directing the choice of a profession in the process of qualification practice. BioGecko Vol 12 Issue 03 2023 ISSN NO: 2230-5807 A Journal for New Zealand Herpetology 5101-бет